

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 17 ” июнь

№ПК-4359

“ ” 20 г.

**2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг  
олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг  
давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида**

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашни таъминлаш, хорижий тажрибалар асосида олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнига янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кадрлар буюртмачиларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб тармоқ, ҳудудий ва мақсадли инвестиция лойиҳалари портфелларини инобатга олган ҳолда битирувчиларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш, шунингдек олий таълим муассасаларига чет эл фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини ҳамда қўшимча қабул параметрларини мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш зарурати юзага келмоқда.

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мақсадида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва кадрлар буюртмачиларининг олий таълим муассасалари битирувчиларига бўлган давлат буюртмаси параметрлари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.